
МАРФИЛОНДА “АТЛАС БАЙРАМИ” БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО АНЬАНАВИЙ ТҮҚИМАЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Марғилон шаҳридаги Ҳунармандчиликни ривожлантириш марказида “Атлас байрами” бешинчи халқаро анъанавий түқимачилик фестивали тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни очиш учун сўз олган вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров, барчани Атлас байрами билан чин юракдан қутлаб, вилоятимизга, ушбу анжуманга бўлган катта эътибори учун хорижий меҳмонларга алоҳида ташаккур изҳор этди.

- Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан мамлакатимизда олиб борилаётган катта ислоҳотлар доирасида қадимий ва бой анъаналарга эга ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди вилоят раҳбари.

Бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишларга қисқа тўхталиб ўтган Ҳайрулло Бозоров, жорий йилнинг ўзида 13 та туманда янги “Ҳунармандлар марказлари” қуриб битказилгани, ушбу марказларда түқимачилик йўналишининг ўзида 4000 та янги ишчи ўрин яратилганини алоҳида қайд этди.

Маросимда видеоалоқа орқали нутқ сўзлаган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади, Марғилон атлас ва адрес сънатининг жаҳон ҳунармандчилигига тутган катта ўрнига алоҳида урғу берди.

Фестиваль арафасида Марғилон учун яна бир муҳим воқеа юз берди - Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши томонидан Марғилон шаҳрига “Жаҳон ҳунармандлари шаҳри” деган юксак унвон берилди.

Бугунги очилиш маросимида сўз олган Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши Президенти Саад ал-Қаддумий Марғилон шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдиновга “Жаҳон ипак ва икат ҳунармандлари шаҳри” сертификатини тантанали топширди. Бугунги кунда дунёning 4 та қитъасидан 57 та шаҳар бундай эътирофга сазовор бўлган.

Халқаро “Атлас байрами” бешинчи түқимачилик фестивалида дунёning 21 та давлатидан 90 га яқин моҳир дизайннерлар, таникли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, 50 нафардан зиёд Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Уч кун давом этадиган фестиваль давомида Марғилоннинг барча хиёбон ва майдонларида халқ сайллари, асқия ва катта ашула ижроилиги, кураш мусобақалари, дорбозлик, қўғирчоқбозлар чиқишлири, “Ҳунармандлар шаҳарчаси”да ҳунармандчилик буюмлари намойиши, маҳаллий ва хорижий дизайннерларнинг либослар намойишлари, түқимачилик усталарининг маҳорат дарслари, кўргазма ва илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади.

Бизни ижтимоий тармоқларда күзатынг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-10-20 22:43:53